



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI**

Бog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - fevral

200 -son

Бog‘ot shaharchasi

**Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласидаги 22 (йигирма икки) туп
гужум дарахтларини кесишни рад этиш тўғрисида.**

Хоразм вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги 2-сонли хулосасига асосан Боғот
тумани “Дехқонобод” маҳалласидаги 22 (йигирма икки) туп гужум
дарахтларини кесишни рад этиш мақсадида:

1. Хоразм вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги 2-сонли хулосаси маълумот учун
қабул қилинсин.

2. Боғот туманида рўйхатдан ўтган “IBROXIM M ELITA HOUSE”
МЧЖ раҳбари А.Матяқубовга:

- юқорида қайд этиб ўтилган манзарали дарахтларни Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги
2-сонли хулосасига асосан Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласидаги
22 (йигирма икки) туп гужум дарахтларини кесмаслиги тўғрисида
огоҳлантирилсин;

- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя
қилсин.

3. Ушбу фармойиш асосида дарахтларни назорат қилиш Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Боғот туман
инспекцияси бошлиғи (А.Мавлонов) зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг
ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев